Акциядорларнинг 11 июндаги умумий йиғилиш баённомасига илова

**«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги тўғрисида**
**ХАБАР**

«Микрокредитбанк» АТБ шуни маълум қиладики, акциядорлар умумий йиғилишининг 11 июн 2016 йилдаги қарори билан банк томонидан 11 июн 2016 йилдан бошлаб Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

**«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК – ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

**БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

| | | |
|---|---|---|
| 11 июнь 2016 йил<br>*бошланиш вақти 10:00* | **№ 1** | Toshkent shahri, A.Xo'jaev ko'chasi, 1-uy, *мажлислар зали* |

| | |
|---|---|
| **Йиғилиш раиси:** | **Р.Касимов - «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши аъзоси – "Асакабанк" Акциядорлик тижорат банки Раисининг биринчи ўринбосари** |
| **Иштирок этганлар:** | **«Микрокредитбанк» акциядорлик – тижорат банки акциядорлари ҳамда улар номидан келган вакиллар, банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туман филиаллари раҳбарлари, марказий аппарат департамент директорлари, мустақил бошқарма ва бўлим бошлиқлари** *(рўйхат бўйича)* |

Кузатув кенгаши раиси иштирок этмаганлиги сабабли, йиғилишда Кузатув кенгаши аъзоси Р.Касимов раислик қилди.

Жами овоз берувчи акциялар сони 234 237 795 (икки юз ўттиз тўрт миллион икки юз ўттиз етти минг етти юз тўқсон беш) дона

Йиғилишда иштирок этаётган вакиллар ва акциядорларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 214 595 616 (икки юз ўн тўрт миллион беш юз тўқсон беш минг олти юз ўн олти) дона

Йиғилиш кворуми 91,61%

## КУН ТАРТИБИДАН КЎЧИРМА

**5. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг 2015 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш ва унинг 2016 йил учун таркибини сайлаш тўғрисида.**

**7. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.**

**16. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви**

**раиси ва Бошқаруви аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари муддатини узайтириш тўғрисида.**

## V. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг 2015 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш ва унинг 2016 йил учун таркибини сайлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан, Тафтиш комиссияси аъзоси Насиров Р. сўзга чиқиб, 2015 йил давомида банкда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. У эришилган ютуқлар билан бирга аниқланган айрим камчиликларга тўхталиб, жорий йилда мазкур хатоликларга йўл қуймаслик учун банк Бошқарувидан амалий чоралар кўришни талаб қилди. *(Маъруза матни илова қилинади).*

Шундан сўнг Банк Тафтиш комиссиясига акциядорлар томонидан киритилган номзодлар тўғрисида маълумот берилди. Унга кўра Банк тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар киритилган:

| № | И.Ш.О. | Лавозими |
|---|---|---|
| 1 | Камалов Аюбхон | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қимматли қоғозлар ва молия бозори бошқармаси бошлиғи ўринбосари |
| 2 | Хамидов Расул Таваккалович | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қимматли қоғозлар ва молия бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари |
| 3 | Мамаражабов Мухаммаджон Иброхимович | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Аппарати раҳбари ўринбосари |
| 4 | Халмуратов Чори Норбоевич | “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки, Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари |
| 5 | Левушкина Ольга Владимировна | “Нефтегаздепозит” МЧЖ Консалтинг хизматлар бўлими бош мутахассиси |

Шунингдек, Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳамда унинг 2016 йилга таркиби йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига тақдим этилди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокамасидан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан қуйидаги қарор матнини овозга қўйиш таклифини берди:

5.1. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг 2015 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссияси хулосаси тасдиқлансин.

5.2. Тафтиш комиссиясининг 2015 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ҳамда 2016 йил учун тафтиш комиссия аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Камалов Аюбхон;

2. Хамидов Расул Таваккалович;

3. Мамаражабов Мухаммаджон Иброхимович;

4. Халмуратов Чори Норбоевич;

5. Левушкина Ольга Владимировна.

**Овоз бериш натижалари:**

| **Тарафдорлар** | **Қаршилар** | **Бетарафлар** |
|---|---|---|
| **214 595 616 та** | **Йўқ** | **Йўқ** |
| **100%** | **0 %** | **0 %** |

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, муҳокама қилиб, банк акциядорлари умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**5.1. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг 2015 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссияси ҳулосаси тасдиқлансин.**

**5.2. Тафтиш комиссиясининг 2015 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ҳамда 2016 йил учун тафтиш комиссия аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:**

**1. Камалов Аюбхон;**

**2. Хамидов Расул Таваккалович;**

**3. Мамаражабов Мухаммаджон Иброхимович;**

**4. Халмуратов Чори Норбоевич;**

**5. Левушкина Ольга Владимировна.**

## VII. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан, йиғилиш раиси, умумий йиғилиш муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 78-сонли қарорига асосан банк Кузатув кенгаши таркиби тўғрисида тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 76-моддаси ва банк Уставининг 13-моддасига асосан умумий йиғилишда билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда, Кузатув кенгаши сайловини куммулятив овоз бериш йули билан ўтказиш таклифини берди:

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши аъзолари миқдори ва таркиби кумулятив овоз бериш усулида тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари:**

Банк Кузатув кенгаши аъзолари сайловида кумулятив овоз бериш усули билан овоз берилди.

**Кумулятив овоз бериш натижалари:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари, вакант | - | *211 593 819* - овоз |
| 2 | Ходжаев Саидкамол Саидкаримович | - | *212 473 819* - овоз |
| 3 | Ходжаев Ботир Асатуллаевич | - | *212 473 819* - овоз |
| 4 | Низомов Баходир Махмудович | - | *211 593 819* - овоз |
| 5 | Шайхов Алишер Эркинович | - | *212 473 819* - овоз |
| 6 | Касимов Рустам Кодиржонович | - | *212 473 819* - овоз |
| 7 | Саидаҳмедов Фахриддин Анварович | - | *235 089 992* - овоз |
| 8 | Очилов Боймурод Искандарович | - | *211 593 819* - овоз |
| 9 | Худойберганов Нураддин Душамович | - | *211 593 819* - овоз |

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, муҳокама қилиб, банк акциядорлари умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**«Микрокредитбанк» акциядорлик – тижорат банки Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин.**

| № | И.Ш.О. | Лавозими |
|---|---|---|
| 1 | вакант | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари |
| 2 | Ходжаев Саидкамол Саидкаримович | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари, Кузатув кенгаши раисининг ўринбосари |
| 3 | Ходжаев Ботир Асатуллаевич | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Кузатув кенгаши аъзоси |
| 4 | Низомов Баходир Махмудович | Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирининг ўринбосари Кузатув кенгаши аъзоси |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Кузатув кенгаши аъзоси** |
| **5** | **Шайхов Алишер Эркинович** | **Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси**<br>**Кузатув кенгаши аъзоси** |
| **6** | **Касимов Рустам Кодиржонович** | **“Асака” акциядорлик-тижорат банки раисининг биринчи ўринбосари**<br>**Кузатув кенгаши аъзоси** |
| **7** | **Саидаҳмедов Фахриддин Анварович** | **“Ўзбекинвест” миллий суғурта компаниясининг Бош директори**<br>**Кузатув кенгаши аъзоси** |
| **8** | **Очилов Боймурод Искандарович** | **“Искандар бобо” фермер хўжалигининг раҳбари (Бухоро вилояти, Жондор тумани)**<br>**Кузатув кенгаши аъзоси** |
| **9** | **Худойберганов Нураддин Душамович** | **“Душамбой Иброҳим” фермер хўжалиги раҳбари (Хоразм вилояти, Шовот тумани)**<br>**Кузатув кенгаши аъзоси** |

**XVI. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви раиси ва Бошқаруви аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари муддатини узайтириш тўғрисида.**

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала юзасидан, йиғилиш раиси Р.Касимов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, акциядорлик жамиятларининг Бошқарув раиси ўз лавозимига бир йил муддатта сайланиши ва у билан шу муддатга меҳнат шартномаси имзоланиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 78-сонли Қарорининг 5-бандига асосан, «Микрокредитбанк» Бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилиниши белгиланган.

Бугунги кунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг “Микрокредитбанк” акциядорлик – тижорат банки Бошқаруви раиси лавозимига сайланадиган номзод тўғрисида тегишли қарори қабул қилинмаганлиги сабабли, банк Кузатув кенгаши банк Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимига Расулов Шухрат Гайратович номзодини тақдим этган.

Шу билан бирга банк бошқаруви аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари муддатини узайтириш банк уставига асосан Кузатув кенгаши ваколатига киради.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

таклифини киритди:

16.1. «Микрокредитбанк» акциядорлик – тижорат банки Бошқаруви раиси в.в.б. этиб Расулов Шухрат Гайратович тайинлансин.

16.2. Бошқарув раиси в.в.б билан тузилган меҳнат шартномасини имзолаш банк Кузатув кенгаши аъзоси С.Ходжаевга юклатилсин.

16.3. «Микрокредитбанк» акциядорлик – тижорат банки Бошқаруви аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколати муддатини узайтириш банк Уставига мувофиқ банк Кузатув кенгашига юклатилсин.

**Овоз бериш натижалари:**

| **Тарафдорлар** | **Қаршилар** | **Бетарафлар** |
|---|---|---|
| **214 595 616 та** | **Йўқ** | **Йўқ** |
| **100%** | **0 %** | **0 %** |

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, муҳокама қилиб, банк акциядорлари умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**16.1. «Микрокредитбанк» акциядорлик – тижорат банки Бошқаруви раиси в.в.б. этиб Расулов Шухрат Гайратович тайинлансин.**

**16.2. Бошқарув раиси в.в.б билан тузилган меҳнат шартномасини имзолаш банк Кузатув кенгаши аъзоси С.Хаджаевга юклатилсин.**

**16.3. «Микрокредитбанк» акциядорлик – тижорат банки Бошқаруви аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколати муддатини узайтириш банк Уставига мувофиқ банк Кузатув кенгашига юклатилсин.**

Акциядорларнинг 2016 йил 11 июндаги умумий йиғилиши баёнидан олинган мазкур кўчирмани ҳақиқийсига мослигини тасдиқлайман.

**Йиғилиш котиби** **А.Абдуразаков**

«MIKROKREDITBANK» AKSIYADORLIK-TIJORAT BANKI «MIKROKREDITBANK» DEVONXONA